

ПАРТИЯ НУФУЗИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг навбатдаги йиғилишида бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилиб, қизгин муҳокама қилинди.



2

БОРЛИҚНИНГ БОҚИЙ ХАЛҚАСИ

Республикада муҳофаза этиладиган ҳудудлар умумий майдони 2164 квадрат километр бўлган 9 та давлат кўриқхонаси, 6061 квадрат километр майдонда 2 та миллий боғ, шунингдек, 9 та давлат буюртма хонаси ва битта ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш Республика маркази бор.



3

САЙХУН БЎЙЛАРИДА БАЙРАМ НАФАСИ

"Умид ниҳоллари-2009" спорт ўйинларининг куйи босқичларида жами 457 минг 632 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Улар орасидан сараланган 1792 нафар энг кучли ва абжир ўқувчи эса ҳадемай Гулистонда бошланадиган мусобақанинг республика финал босқичида майдонга тушадилар.



4

ADOLAT Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

№ 24 (728) 2009 йил, 22 май, Жума

O'zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEKORATIK PARTIYASI Ижтимоий-сиёсий газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Жараён

Ёшлар — келажакимиз. Бу ҳаёт ҳақиқати Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси қўшидаги "Ёш адолатчилар" Кенгаши фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса, йиғилиш ва малакаларини ошириш, уларнинг "Ёш адолатчилар" сафидаги фаолияти самардорлигига эришиш — партия истиқбол учун муҳим аҳамият касб этади. Пойтахтдаги "Шодлик палас" меҳмонхонасида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган икки кунлик семинарда масаланинг ана шу жиҳатлари алоҳида эътибор қаратилди.



ЁШЛАР — ЕТАКЧИ КУЧ

уларнинг "Ёш адолатчилар" сафидаги фаолияти самардорлигига эришиш — партия истиқбол учун муҳим

Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ёш адолатчилар" Кенгашининг Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳудудий гуруҳлари етакчилари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, эксперт ва олимлар қатнашди.

— Ўқув-семинарнинг ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад — дейди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази раҳбари Баҳодир Мамадиев, — партиянинг ёш фаолияти ишнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариши, уларнинг ёшлар орасидаги фаолияти

устувор йўналишларини аниқлаш, ёшлар ўртасида "Адолат" СДП ёшлари тарғиботини янада кучайтириш бўйича вазифаларини белгилаб олишдан иборатдир.

— Семинар мамлакатимиздаги ривожланишдаги ўрни ва иштироки каби мавзуларда маърузалар тинганди. Маърузаларнинг интерфаол

Шаклда ўқитиш ва гуруҳларда ишлаш услублари асосланган ҳолда етук мутахассислар томонидан олиб борилиши иштирокчилар диққатини янада жалб этди.

Муносабат

РАҒБАТ, ИМТИЁЗ ВА ИМКОН

тадбиркорликни ривожлантириб, мамлакат иқтисодиёти юксалишига катта туртки беради

Мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодиётнинг муҳим соҳаси — кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимояси тизимини яратишга катта эътибор берилмоқда. Чунки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес катта ўрин тутганини замон синовлари тасдиқлаб турибди. Зеро у давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ҳар тал бот-бот ўқитиб келганларидек, бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослашувчи, истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига қараб иш тутувчи тизим бўлиб, бозорда рақобатчилик муҳитини шакллантирувчи муҳим омил ҳамдир.

Қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун жаҳон бўйлаб кечатган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида унинг салбий оқибатларини бартараф этишда ҳам энг самарали восита бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлашда ва унинг даромадлари ошириб беришда катта роль ўйнайди. Президентимизнинг шу йил 15 майда қабул қилган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан ҳам айни шу мақсадлар кўзда тутилгани яққол кўриниб турибди.

Қарорда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилди. Жумладан, Қарор шарҳида айтилганидек, 2009 йил 1 июндан бошлаб, уй-жой бинолари ва ишпоотларининг ўлчов ишларини ўтказиш, техник инвентарлаштириш, паспортлаштириш ҳамда баҳолаш юзасидан қадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш тадбирлари амалиётга кирди.

(Давоми 2-бетда.)

7 кун нафаси

ЎЗБЕК АЁЛИ ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Шу мавзуда ўтган семинар кўзга ташланган Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Аглия вазирлиги, Ўзбекистон Бағий академияси ва БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилди.

ИАМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида солиқ академиясида иқтисодиётни модернизациялашда солиқ сис-темени эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири-ни бартараф этишда солиқ механизмлари ўрнига баришланган ил-мий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган анжуманда солиқ сис-теми самардорлигини ошириш, бухгалтерия ҳисоби, банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш масалалари-га баришланган маърузалар тинланди.

НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛАЛАР ТАНЛОВИ

Мамлакатимизда ҳарбий оилаларга қаратиладиган юксак эътиборнинг намунаси сифатида пойтахтдаги Марказий офицерлар уйида "Намунали ҳарбий оила" республика кўриқ-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Бу йил учинчи бор ўтказилган маъруза танловининг дастлабки босқичида юзга яқин ҳарбий оилалар иштирок этди, якуний босқичида 11 оила ўзаро беллашди. Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган оилаларга танлов ташкилотчиларининг махсус дипломи ва қимматбахо совғалар топширилди.

ИБРАТЛИ ТАДБИР

Бойот тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" жамиямати туман бўлими, туман "Ойла" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ибратли тадбир ўтказилди.

Маърифат

ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИКНИНГ ЗАРАРЛАРИ

Аллоҳ таоло Куръони каримнинг «Иброҳим» сураси, 7-оятда: «Рабиннинг эълони қилган ушбу сўзларни эсланг: Қасамки, агар неъматларимга шукр қилсангиз, албатта уларни зиёда қилурман. Борди-ю номшукрлик қилсангиз, азобим ҳам жуда қаттиқдир», — деб огоҳлантиради.

XX аср ажойиб илмий кашфиётлар асри, инсон кoinот сирлари кўйига кириб бораётган аср, ахборот ва фойда ушбу техникавий имкониятлар асри бўлди. Шу билан бирга бу асрнинг охири диний қадриятларининг уйғониш даври, диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлди, дейиш ҳам мумкин.

Кўлаб сиёсатчилар, олимлар, журналистлар ХХ аср охири ва XXI аср бошларида юз бераётган ва турли номлар билан аталатган ҳодисалар сабабларини тушунириб беришга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бундай ҳолатларнинг таҳлила қилганда, аввало, эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом қадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар роят хилама-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятчан ва ҳатто қарама-қарши қутбни эканлигига қаратмоқ лозим.

Диний ақидапарастлик, экстремизм ва фанатизм, яъни ўта мутаассибликнинг бизнинг минтақамиз учун тугдириши мумкин бўлган хавф-хатарларини беэҳтиёт билан олдиндан аввал диққат-эътиборини одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо роят позик эканлигига, уларнинг диннинг маънавий қадриятлари билан шпорлардан, хусусан, исломни қайта тиклаш шioriдан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаган, динга алоқасиз бўлмаган сиёсий ва бошқа таъжовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқини

фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур қилиб бўлмайд.

Учунчида. Мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасида "ҳақиқий" ва "сохта" диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришда кўришмоқда. Бундай ҳол Жазоирда, Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

Тўртинчида. Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай давом этиб келаётганида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат уларнинг чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган юзак тасаввурларини халқимизга зўрлаб қабул қилдириши истайдиган террорларнинг, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

Бешинчида. Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни сохтадиган фикр тугдиришга уринишларида, уларга бизни гоҳ динсиз дахрийлар қилиб, гоҳ эса имонист муқаллади диндорлар қилиб кўрсатишларида аён бўлмоқда.

Олтинчида. Ислам цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида яши қарама-қаршиликни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшнилик жараёниларида роят салбий таъсир кўрсатмоқда. Янги мустакил давлатларнинг қолақлигини турғун бир ҳолатга айланттирмоқда. Ундан ҳам даҳшатанас шук, одамларнинг диний замида "цивилизациялар тўқнашуви"ни кўтишга мажбур қилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

Семинар-кенгаш

ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Бу — Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган партия тадбирида алоҳида эътироф этилди

Қарши шаҳрида "Ўзбекистон "Адолат" СДП: юксалишининг янги поғонасида" мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, партия Марказий аппарати масъул ходимлари ҳамда шаҳар ва туман Кенгашлари раислари иштирок этди.

Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари" асари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидagi "Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашнинг изчи давом эттириш — давр талаби" маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП олдига турган устувор вазифалар тўғрисида сўз борди.

(Давоми 2-бетда.)



25 май кунин мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида 2008-2009 ўқув йилининг сўнгги кўнироқлари янгради. Ушбу кун нафақат битирувчилар, балки маърибон мураббийлар ва барча ота-оналар учун ҳам байрам.

Ижроқўм йиғилиши

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Сийёсий Кенгаш аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят Кенгашлари раислари ва партия фаоллари қатнашган йиғилишда бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилиб, қизгин муҳокама қилинди. Уни партия Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Исмоил Саифназаров олиб борди.

Йиғилиш кун тартибидagi "Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкилотларида сийёсий ўқшнинг ҳолати ва унинг мунтазамлигини таъминлаш ҳамда самардорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар ҳақида"ги биринчи масала юзасидан Сийёсий Кенгаш Марказий аппаратининг "Мафкура, маънавий-маърифий ишлар" бўлими мудири Тоҳир Шамсидов ахборот берди. У мазкур масалага атрофлича тўхталиб, сийёсий ўқшлар партия кадрлари ва фаолларининг сийёсий билимларини оширишда, савиясини юксалтиришда низоҳатда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, сийёсий ўқшлар орқали партия кадрларининг сийёсий етуқлигига эришиш, уларнинг жамиятда кечаётган ижтимоий-сийёсий, маънавий-маърифий жараёнлардан хабардорлигини таъминлаш партия фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан сийёсий ўқшларни ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 15 май кунига қадар партиянинг марказий ва ҳудудий Кенгашлари томонидан 50 та сийёсий ўқш ўтказилган, уларда салкам 2800 киши иштирок этган. Бироқ, таассуфки, бу тадбирларнинг барчасини ҳам талаб даражасида ташкил этилаётгани, деб

ПАРТИЯ НУФУЗИ



бўлмайдиган. Таҳлиллар шуни кўрсатадигани, баъзи ҳудудий партия ташкилотларида сийёсий ўқшларни ўтказишга назарий-ташқилвий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилмаётганлиги туфайли кутилган натижага эришилмаётган. Баъзи вилоятларда эса бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирокида сийёсий ўқшлар ташкил қилинишга етарлича эътибор қаратилмаётган. Йиғилиш иштирокчилари ушбу камчиликларни бартараф этишга эътибор

қаратиб, сийёсий ўқшларнинг мунтазамлигини ва самардорлигини таъминлашга доир тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Муҳокама қилинган мазкур масала юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Уставининг янги тахрири

қолатлари Сийёсий Кенгаш Ижроия Қўмитасига олиб берилмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш ва унинг бажарилиши борадаги ҳисоботини эшитиш, Сийёсий Кенгашнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари Пленумларини чакиритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва унинг

лан бирга, мазкур масала бўйича ҳудудий партия Кенгашлари томонидан билдирилган тақрирларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги тахриридаги Уставини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шундан сўнг йиғилишда Ўзбекистон "Адолат" социал-

демократик партияси ҳудудий ташкилотларининг ташқилвий партиявий фаолиятини кучайтиришга қаратилган "Ўзбекистон "Адолат" СДП: юксалишнинг янги поғонасида" номли туркум семинар-кенгашларнинг ўтказилиш ҳолати ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда партия Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Худойёр Маматов сўзга чиқиб, жумладан шундай деди: — Айтиш кунгача Абдулжон, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашларида шундай тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда партиянинг ҳудудий Кенгашлари олдига турган кўлаб долзарб масалалар кўриб чиқилди. Эътиборини, семинар-кенгашга тайёргарлик жараёнида ҳар бир иштирокчига махсус сўровномалар тақдим

масалалар моҳиятига чуқур кириб бориб, фаол иш олиб боришга боғлиқ

демократик партияси ҳудудий ташкилотларининг ташқилвий партиявий фаолиятини кучайтиришга қаратилган "Ўзбекистон "Адолат" СДП: юксалишнинг янги поғонасида" номли туркум семинар-кенгашларнинг ўтказилиш ҳолати ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда партия Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Худойёр Маматов сўзга чиқиб, жумладан шундай деди: — Айтиш кунгача Абдулжон, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашларида шундай тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда партиянинг ҳудудий Кенгашлари олдига турган кўлаб долзарб масалалар кўриб чиқилди. Эътиборини, семинар-кенгашга тайёргарлик жараёнида ҳар бир иштирокчига махсус сўровномалар тақдим

РАҒБАТ, ИМТИЁЗ ВА ИМКОН

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Яшашга мўъжаланмаган бинолар ва иншоотлар кадастри тўла ўрғаниб чиқилиб, баҳолаш ҳамда паспортини тузиш тарифлари икки баробар пайсантирилган бўлди. Топография — геодезия ишлари мажмуаси амалга оширилиб, кадастр хизматлари томонидан кўрсатилган бошқа турдаги хизматлар учун тарифлар 40 фоизга камайтирилди.

Объектларнинг қурилиши лойиҳасини тайёрлашда архитектура — режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш қиймати тадбиркорлик субъектлари учун икки баробар (энг кам иш ҳақининг 20 баробардан 10 баробари миқдоригача) пайсантирилиши бизга ўхшаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга алоҳида рағбат десам, муболаға бўлмас. Муҳандислик коммуникацияларига уланishi лойиҳасини тайёрлаш учун архитектура — режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш тўловлари бутунлай бекор қилинган ҳам бизга катта қулайлик, катта мадд. Ҳатто лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш қиймати ҳам энг кам иш ҳақининг 10 баробардан 3 баробаригача (яъни 3,3 баробарга) пайсантирилиши айни мuddо.

Тадбиркорлик билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдорини оласизми, уларнинг банкларда ҳисоб рақамларини очиш тўловларини оласизми, ёки экологик экспертизани ўтказиш учун тўланадиган тўловни оласизми — ҳаммаси камайтирилди. Шунингдек, қарорда қасанчаларнинг ривожлантириш йўлида уларга яратилиши керак бўлган зарур шарт-шароитлар ҳам устувор вазифалардан эканлиги қайд этилиб, бу борада кичик бизнес иштирокчилари кенгайтириш тўғрисида алоҳида ғам-хўрлик ўз ифодасини топган.

Яна бир муҳим жиҳат, қарорда кичик корхоналар учун амалиётдаги кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолиши кўзда тутилганки, бу — мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган кишилар учун навбатдаги яна бир катта рағбат. Шубҳасиз, бундай рағбат, имтиёз, имкон, қулай шарт-шароит ва чексиз ғам-хўрлик тизим ривожига ривож қўлиб, мамлакатимиз иқтисодий юксалишига катта туртки беради.

Наргиза САБДУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳридаги "Навруйз олам" савдо-хусусий корхонаси иқтисодчиси.

ҲУҚУҚ

БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ

Халқро тажриба ва амалиётдан келиб чиққан ҳолда божхона фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий базаси тақомиллаштирилмоқда

Республикамининг иқтисодий манфаатларини мустаҳкамлашда, мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда божхона фаолияти муҳим ўрин тутади. Соҳага оид қонунлар ва норматив (меъёрий) ҳужжатлар мамлакатимизнинг миллий ҳамда иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли механизм бўлиб хизмат қилади.

Мустақил республикамизда бутунги янгилашнилар, бозор муносабатлари шартинда божхона тизимини тақомиллаштириш, иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни соҳадаги кенг қамровли ва катта нуфузга эга халқро ташкилотлар ва интеграцион уюшмаларга йўналтириш — иқтисодийнинг янада ривожлантириш йўлидаги муҳим вазифалардандир. Шу нуқтан назардан, Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг 2007-2010 йилларда ривожлантириш концепцияси — божхона органларининг ўрта ва узоқ мuddатли истиқболли дастурий режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. У Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, божхона соҳасига доир халқро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган. Мазкур концепциянинг уч босқичда амалга ошириш мўъжаланган.

Мустақил давлатимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва бозор иқтисодийтига асосланган янги жамиятнинг қурилиш жараёнида жамиятнинг барча ҳабадаларини тартибга солувчи қонуналар вужудга келди. Жумладан, Божхона кодексини, "Бож тарифи тўғрисида"ги ва "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонуналар амалиётда самарали жорий қилинмоқда. Таъкидлаш жоиз, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгаришлар киритилиб, тақомиллаштириб бориламоқда.

Божхона кодексининг янги лойиҳасининг умум-ҳалқ муҳокамасига киритилиши ҳам давр талаби. Лойиҳа ўз мазмун-моҳиятига кўра халқро ҳуқуқ ва Конституциянинг нормаларига ҳаммаганлиги билан ажралди туради. Шу мaddо, бутунги кунда Бухоро вилоятини божхона бошқар-

ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Ушбу масала юзасидан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдулла Абдуназаров сўзга чиқди.

— Юртбошимиз асарига ҳозирги кунда бутун дунёдаги мамлакатларни тобора қамраб олаётган инқирознинг Ўзбекистон иқтисодийтига таъсирини бартараф этиш йўлини аниқ белгилаб берилган, — деди у. — Шу туфайли асарнинг мазмун-моҳиятини, унда илгари сурилган гояларни аҳоли, электротизим ўртасида кенг ва самарали тарғиб қилишда партия ташкилотларининг барча бўғинлари вакиллари янада фаол, янада ташаббускор бўлишлари талаб этилмоқда. Анжуманда бутун ҳар бир партия аъзоси ишга янгича ёндашиши, мамлакатда кечаётган сийёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларда фаол қатнашиши давр талаби эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 2009 йилга мўъжаланган ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алишер Мўминов мазъруза қилди. У партия ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари ҳақида семинар иштирокчиларига батафсил сўзлаб берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни таллаш, ҳисобга олиш ва захира шакллантиришнинг ташкил этиш масаласи ҳам қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Тадбир қатнашчилари 2009 йилга мўъжаланган ҳаракат дастури ижросини таъминлашда, бўлажак сайловларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришда кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этилди.

Семинар-кенгаш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Комил САХАТОВ, "Adolat" мухбири.

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида куйи палатанин Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Абдурафик Аҳадов бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилга ҳамда 2009 йилнинг биринчи чораги ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳокама қилинди.

Эътироф этилдики, 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш борада кўрилаган чора-тадбирлар иқтисодийнинг нафақат барқарорлигига, балки унинг юқори суръатлар билан ўсишига ҳам замин яратди.

— Молиявий-иқтисодий инқироз бутун жаҳон иқтисодиётида таҳликали вазиятни келтириб чиқармоқда, — деди Абдурафик Аҳадов. — Иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайиб, йиряк-йиряк корхоналар ўз иш фаолиятини тўхтатиши оқибатида ишсизлик кўбаймоқда. Бу эса ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаряпти. Давлатимизда юрифтаётган оқилона сийёсат, қолаверса, Юртбошимиз

ФАОЛИЯТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Тошкент Давлат Аграр университетига бўлиб ўтган семинар-тренинг мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўъжаланган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳамда Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартинда уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини ўрганишга бағишланди. Тадбир Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти ҳамда Қўбрай тумани Кенгашлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти пойтахт вилояти минтақавий ахборот-таҳлил маркази ва Аграр университети билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

— Дастур асосида иқтисодийнинг реал секторини кўлаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, тех-

Семинар-тренингда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, иқтисодий таназзулнинг олдани олиш, салбий таъсирини камайтириш йўллари ва чоралари тўғрисида атрофича сўз берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаталари, иқтисодий олимлар ўз мазъузларида инқирознинг ҳозирги пайтда ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлар иқтисодийтига кўрсатаётган салбий таъсирини аниқ факт ва далиллар, рақамлар мисолида тушунтириб беришди. Бу эса тадбирнинг янада жонли, қизи-

қарли ўтишини таъминлади. Айтиб ўтилдики, Ўзбекистон иқтисодийти жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига тобора интеграциялашиб бораётган бир пайтда бу инқироз мамлакатимизни ҳам четлаб

қарди ўтишини таъминлади. Айтиб ўтилдики, Ўзбекистон иқтисодийти жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига тобора интеграциялашиб бораётган бир пайтда бу инқироз мамлакатимизни ҳам четлаб

дан мазъуза қилган Молия ва зирри ўринбосари М. Мирзаев. — Давлат томонидан кўрилаган чора-тадбирлар туфайли тижорат банклари миз рейтингини халқро даражада ошди. Уларнинг жами капитал ҳисобот йилида 40 фоизга, кредит қўйималари 33,4 фоизга, аҳолининг банклардаги депозитлари 65,3 фоизга кўбайди. Йиғилишда 2008 йилда эришилган ютуқлар жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам макронийқисодий кўрсаткичлар барқарор ўсиш суръатларини сақлалиб қолтиришга мустаҳкам замин яратилганлиги алоҳида таъкидланди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилга ҳамда 2009 йилнинг биринчи чораги режалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маъқулланди ҳамда кўрилаган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарҳод ЭСОНОВ, "Adolat" мухбири.

ўтмайди. Шу боис, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, ҳозирда амалиётда изчиллик билан қўлланилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар, аввало, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатиб, мамлакатимизни барқарор иқтисодий тараққиётга эриштириш таъминлайди. Халқ фаровонлигини юксалтириш йўлидаги ислохотлар муваффақиятини мустаҳкамлайди.

Тадбир иштирокчилари Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартинда уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини тўғрисида ҳам атрофича фикр алмашди. Мазкур асар ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури мазмун-моҳиятини аҳоли, аниқсиз, талаба-ёшлар ўртасида ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Семинар-тренинг сўнггида университетнинг бир гуруҳ талабалари Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолигига қабул қилиниб, уларга партия билетлари топширилди.

Камол АЛЛАЕВОВ, "Adolat" мухбири. Суратда семинар-тренинг иштирокчилари.

ҲАМКОРЛИКДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ

Шаҳрисабз туманида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, вилоят ҳокимияти ҳамкорлигида "Қишлоқ ёшлари манфаатларини таъминлашнинг долзарб вазифалари" мавзусида конференция ўтказилди.


Тадбирда аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотларини янги босқичга кўтариш, қишлоқ аҳолисининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш борадаги саъй-ҳаракатлар кўламинини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Айтишқис, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқ аҳолиси, аввало, ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш, уларни иш билан таъминлаш, фаровонлигини ошириш, саноатлигини асраш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш каби масалалар юзасидан ўзаро фикрлар алмашилди. Бу борада амалга оширилаётган ишларни ҳаққонини ва тўла ёритишида ОАВ билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиши, шу билан биргаликда уларга яқиндан кўмаклашиш масалалари конференция иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Бу каби тадбирлар бошқа вилоятларда ҳам ўтказилмоқда. Уларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад эса қишлоқ ёшлари манфаатларини тўла таъминлаш, маънавий-маърифий онгини янада юксалтиришга ва бу борада оммавий ахборот воситаларининг ролини тобора оширишдан иборатдир.

Шаҳоб ИЗЗАТИЛЛАЕВ.

САЙХУН БЎЙЛАРИДА БАЙРАМ НАФАСИ

Яна санокли кунлардан сўнг, Гулистон шаҳрида республикамиз умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари-2009" спорт ўйинлари финал босқичи бошланади. Айни пайтда Сирдарё вилоятида ўзига хос "Кичик олимпиада" номини олган мазкур нуфузли мусобақани юқори савияда ташкил этиш тайёргарлиги авж палласига чиққан.



ажойиб совға бўлган мазкур иншоот анжуманлар зали, спортчилар, мураббийлар ва ҳакамлар хоналарини ўз ичига олган. Бундан ташқари, янги стадионда ўнга яқин спорт турлари бўйича машғулот ва мусобақалар ўтказиш имкония-

ти мавжуд. Шунингдек, IV ТИП лойиҳаси асосида барпо этилган болаalar спорт мажмуи, Гулистон давлат университетини спорт майдончалари ва заллари, "Ал-помин" спорт мажмуи, янги сузиш ҳавзалари ва бошқа иншоотлар келгуси-




да ёшларнинг сеvimла масканларига айланishi-га шубҳа йўқ.

— Вилоятимиз маркази ва туманларида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг икки оғиз сўз билан ифодаш қийин, — дейди футбол бўйича болаalar мураббийи, Республика тоифасидаги ҳакам Ҳасим Шарипов. — Бир-бирдан кўркам ва замонавий спорт иншоотлари келажақда вилоятимиздан иқтидорли ёшлар етишиб чиқиши учун катта имкониятлар яратди. Энг муҳими, бу масканларда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Зеро, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган ўғил-қизлар ҳар томонлама соғлом, чиниққан бўлиб вояга етиши шубҳасиз.

Муҳаббат БОБОНАЗАРОВА.

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОГИ

ДУНЁНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ЧЎҚҚИСИ — ЭВЕРЕСТДА ҲИЛПИРАЙ БОШЛАГАН КҮН



...Кечга яқин Ҳимолайнинг қор ва музликлар қоплаган бағридан Ватанимизга ажойиб хушxabар келди. Республикаимиз Президенти номига юртимиз аълибинлари томонидан йўлланган радиogramмада куйидаги сўзлар бор эди:

"Ўзбекистон аълибинлари дунёнинг энг юқори чўққиси — Эверестни забт этишди ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроғини қандашди... Ватанимиз шон-шухрати учун янги жаҳоншумулу ютуқларни қўлга киритишига тийиқимиз..."

Истиқлолнинг етти йиллиги арафасида бутун дунёга овоза бўлган ўзбек спортининг бу тарихий ғалабасидан хангу-манг қолинди, мана-ман деган давлат сивасдонлари-ю аълибинлари...

8848 метри бу чўққига дастлаб аълибинист Рустам Ражабов кўтарилиди. Байроқни қадаётган кезларда унинг хаёлидан "Ўзбекистоним, қай томондасан?" — деган ўйлар ўтган бўлса, не ажаб!

23 май кунини Ҳимолайдан янги хушxabар келди. Яна уч нафар ҳамюртимиз — Светлана Баскакова, Сер-

гей Соколов ва Марат Усаев бу юксакликни забт этишди...

25 май кунини тушга яқин республика аълибинистлар клуби яна бир радиogramма олди. Унда чўққига чиққан аълибинистларимиз сонин 9 нафарга етгани маълум қилинди. Ҳолбуки, бунгача ҳали ҳеч бир давлатдан бир йўла шунча спортчи мазкур чўққига кўтарилмаган...

Муस्ताқил Ватанимиз рамзи — Ўзбекистон байроғи Эверестга қадалган кунда Президентимиз Ислам Каримов халқимизнинг мард, жасур фарзандларига йўллаган табригинда, жумладан, шундай сўзлар бор эди.

"...Самога туташ чўққи узра қадалган байроғимиз бизнинг озодалик ва обод-лгимиз тинчсоли сифатида абдий хилшираб турсин!"

Бугун, 22 май, 2009 йил. Ўн бир йилдирки, Юртбошимиз ният қилганидек, Байроғимиз дунёнинг энг баланд чўққиси — Эверестда жаҳонга кўз-кўз бўлиб хилшираб турибди.

Даврон БЕК, «Adolat» мухбири.

Маданият хабарлари

"РАҚС - МЕНИНГ ҲАЁТИМ"

Анджон вилоят театрида бўлиб ўтган ана шу номдаги кўрик-танлов чинакам байрам тусини олади. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда вилоят-маданият ва спорт ишлари бошқармаси уюштирган бу тадбирда чекка-чекка кишилар ҳам санъатга, хусусан, рақсга иккисини баланд кўлаб ёшлар ўз истеъодларини намойиш этидилар.

ХАЛҚИМИЗ САНЪАТИ — ДУНЁ НИҒОҲИДА

Пойтахтимиздаги Абдуқосим мадрасида "Ўзбекистон халқ амалии санъати — дунё ниғоҳида" номи савдо кўргазмаси очилди.

БУХОРОДА НЕМИС МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Анъанага кўра, ҳар йил май ойида кўҳна Бухорода ўтказиладиган "Ипақдан зираворгача" халқаро фестивали бу гал немис маданияти кунларида улашиб кетди.

Забунисо ҲАЙИТОВА

Ижодий танлов

ОРЗУЛАР КАМОЛОТГА ЕТАКЛАЙДИ

Шўрчи тиббиёт коллежиде "Менинг орзу ва истакларим" мавзусида ижодий иш танлови бўлди. Унда ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ахборот-ресурс маркази ходимлари иштирок этишди. Тадбирда коллежнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари И. Саидов ажуман қатнашчиларига ўқувчилар ўртасида ижодий иш танлови ўтказишнинг асосий мақсад — уларни мустақил фикрлашга ўргатиш орқали "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида қишлоқ ҳаёти манзарасини ҳаққоний тасвирлаш ҳамда уларнинг гўзалликка интишларини намойиш қилишга ундаширди. Деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, бу фикр за-

Етмиш икки дардга даво

Қимиз ҳақида сўз борганда, Ўзбекистон яйловларида, Қозоғистон ва Қирғизистон кыр-адирларида уюр-уюр бўлиб юрган йилқи подоалар, тойчоқлар кўз олдимишга келади. Унинг куюғини еб, сувнинг тиниғини ичиб, обдон қонган биялар сутидан тайёрланган қимизни ичганда роҳат қилади, киши, тана яйрайди. Айниқса, Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент атрофидаги қирларда боқилган биялардан сориб олинган қимизнинг таърифи кетган. Унинг шифобахшилигини айтмаймиш!

Чиндан ҳам қимиз кўпгина касалликларга, айниқса, ўпка хасталиғига даводир. Ота-боболаримиз қимизни севиб ичшган. Халқимиз йилқи сутини етмиш икки дардга даво деб бежиз айтмаган. Қимиз ичиб юрган киши ўзини тетик ва кўноқ ҳис қилади. Қимиз асосан бия сутидан тайёрланади. Бия сутини кимиз сугига қараганда суюқ, ширинтоб ва нордопроқ бўлиб, таркибидеги ёғнинг миқдори 6-2 фоиздан ошмайди. Бу эса снгр суги таркибидеги ёғдан қарийб 2,5 марта камдир. Бундан ташқари, бия сутини таркибидеги оқсил ва минерал тузлар ҳам кам. Бироқ унда сут шақари ва С витамини жуда кўп.

Шарофат ОМОНОВА.

Ўқинг, қизик!

ДУНЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД ТОҒЛАР

Ер юзидеги баланд тоғлар кўп. Уларнинг энг юксакларини биласизми? Бугунги кунда Гавайя оролларидаги Мауна Кеа энг баланд тоғ ҳисобланиб, унинг сув остидеги қисми 4205 метр, сув сатҳидан баландлиги эса 4877 метр бўлиб, умумий 9100 метр.

Агар факат сув сатҳидан юқори қисмини ҳисоблаганда, энг баланд тоғ Непал ва Хитой худудидеги Эверест чўққиси, унинг баландлиги 8848 метр. Иккинчи ўринда Каммийрдаги Годвин Аустен чўққисидир, унинг баландлиги 8611 метр ташиқ қилади. Шимоллий Америкада энг баланд тоғ — 6194 метри Маккини, Европада — 5633 метри Эльбрус, Африкада — 5963 метри Килиманджаро, Жанубий Америкада — 6969 метри Анконгага (Аргентина-Чили), Австралида эса, 2226 метри Коси-уско тоғлари энг баланд тоғлар ҳисобланди.

ЎЗГА САЙЁРАЛДАРДА ҲАЁТ ЙЎҚ...МИ?

Бизга ҳали-ҳамон ўзга сайёраларда ҳаёт бор ёки йўқлиги маълум эмас. Бугунги кунда фазовий тажрибаларнинг барчаси айнан шунини аниқлашга қаратилган. Бироқ бизга равшанки, ҳаёт бўлиши учун маълум шартлар бажарилиши лозим. Аввало, мўстадил иқлим бўлмаса, ҳеч бир тирик жон жуда иссиқда ҳам, жуда совуқда ҳам яшай олмайдди. Ундан кейинги ҳаётий зарурият бу сувдир. Усиликлар учун ёруғлик ва минерал озуклар керак бўлади.

Огоҳлик

АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ, АЗИЗЛАР!

Бу дунёда инсон қадри, ватан шайни, муқаддас. Афсуски, бундай туйғуларни топтабган айрим инпоқ кимсалар қалтис жиноятга қўл урмоқда. А.Марипов ҳам шундай шахслардан чиқиб қолди. Бойси у ўз ватандошларини алдов йўли билан бошқа давлатга ишга юбориш мақсадида ноқонуний йўлни тайлади.

юборишга ўзаро келишиб олади. Шундан сўнг А.Марипов ва З.Караманова Қозоғистон Республикасига ишлаш учун боришга рози бўлган фуқароларга "Иш ҳаққариниғиз учун ойна 700-800 АҚШ долларига тенг бўлган маош оласизлар" деб алаш ва шпачини суестьемол қилиш йўли билан жами 1 миллион 620 минг сўмини ўзлаштириб юбориб, норасмий равишда кўшин давлатга жўнатиб юборишган.

Алаббатга, бу каби кимсаларнинг жиноятлари фоз этилаиб, тегишли жазо тайинланади. Ўз ватандошларини пул учун сотган, қолаверса, шунча амалий тарбиятоб-ташвиқот ишларига қарамай, ақлу-хушини йўқотатган инсонлар тутаётган йўлини ҳеч нараса билан оқлаб бўлмайдди. Ахир ўз юртимизда ҳам ҳаёт кечиринди, ишлашга барча шарт-шароитлар етарлику. Биргина март ойининг ўзида туман прокуратураси ва тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликнинг бартараф этиш юзасидан ўтказилган меҳнат ярмаркаси ҳам ўзининг ижобий самарасини берди. Натигада 434 нафар фуқаролар доимий иш билан таъминланди. 200 нафарга яқин кишига эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шундай экан, хушбўлагиниғизни йўқотманг, азиз юртдошлар!

Асламддин ТОШПЎЛАТОВ, Оқдўрон туман прокуратурининг ёрдамчиси.

ВАЛЮТАФУРУШЛАРИНИНГ «МИСИ» ЧИҚДИ

Департаментимиз томонидан валюта бозорининг эркинлаштиришга қаратилган норматив хужжатлар ижросини таъминлаш, валюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фоз этиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Шунга қарамастан, бозорлар атрофида, сергавжум жойларда доллар ва Россия рубли олдн сотдиси билан шуғулланаётган валютафурушлар ҳамон учраб турибди. Уларнинг қонунга зид бундай хатти-ҳаракатларига барҳам бериш билан биргаликда, хорижий валюталарнинг ноқонуний равишда муомалага киритиш билан шуғулланаётган шахсларнинг қинғир ишларига ҳам ўз вақтида ҳуқуқий баҳо берайлими. Жумладан, департаментимиз ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда А.Мирзаев ва А.Қосимовлар харидор К.Мусобоевага 10 минг АҚШ долларини 15 миллион сўмга сотган вақтида ушладди.

Департаментининг Тошкент шаҳар бошқар-

"Қаҳрамонимиз" "Турон-Марказ қурилиш" АЖ кадрлар бўлими бошлиғи З.Караманова билан ўзаро олдндан жинойий тил бириктириб, алаш ва шпачини суестьемол қилиш, ўзининг мулкнинг кўлга киритиш ҳамда фирибгарлик йўли билан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этди.

Жумладан, у Оқдўрон туманида истиқомат қилувчи 27 нафар фуқароларни иш билан таъминлаш учун ҳар бирдан 60 минг сўмдан норасмий равишда пул йилиги олаиб, лицензия олинис шарт бўлган махсус рухсатнома омасдан ўзининг жинойий шериклари билан уларни Қозоғистон Республикасига

Худойберди МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖДҚК департаменти бўлим катта инспектори.

Adolat logo and address information: ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ www.adolat_gazeta.uz

Boш мухбирр Худойр МАМАТОВ Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Тахрир хайъати Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Йеомон САЙФНАЗАРОВ, Алишер МУМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Жовдатов ИНОГОМОВ, Зухра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Маъназоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (бош мухбирр ўринбосари), Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул Холтура ШАФОАТОВ (Бош мухбирр биринчи ўринбосари) «Adolat»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади. t — Тизкорит мақолалар белгиси.